

ЎзДП Тўрткўл тумани кенгаши қошида жамоатчилик асосида "Маърифат ва маънавият" ижтимоий-сиёсий ахборот маркази ташкил этилди. Марказ орқали бошланғич партия ташкилотларига ташкилий-сиёсий, мафкуравий, маданий-маърифий ишларда кўмаклашиш, тарғиботчи ва ташвиқотчиларга услубий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган. Марказ фаоллари Наврўз байрами кунлари кўрик-танловлар ўтказиш, ногиронларни, ёлғиз қолган қарияларни йўқлаш каби тадбирларни амалга оширишмоқчи.

Шарофат Йўлдошева.

УРГАНЧ. "Агромаш-сервис" хиссадорлик жамиятининг Қўшқўпир бўлими корхонасида қишлоқ хўжалик техникасини мавсумга тайёрлашга киришилди. Чигит экиш агрегатлари учун камёб ва муҳим эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда. Туманда бу йил 1000 гектар майдонга андижонликлар тажрибаси асосида чигитни плёнка остига ташлаш режалаштирилган. Экиш техникаси ҳам шунга мослаштирилмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН.



СИРДАРЁ. Вилоят хокимлигида ўтказилган кенгашда ўтган ойнинг иқтисодий ривожланиш якунлари таҳлил қилинди. Йилгилини вилоят ҳокими Ҳ. Исмоилов бошқарди. Шаҳар ва туманларда қишлоққа кўпроқ саноатни олиб кириш муаммолари ҳақида фикр юритилди. Ҳар бир туманда 6-7 тадан қўшма корхона, 50 тага яқин кичик корхона барпо этишга қарор қилинди.

Абдужалил УМАРОВ.

ТОШКЕНТ. Мунаввир Муборак Йўлдошева асли чимкентлик. Шарқона урф-одат ва халқ ижодини яхши билади. У асосан Тошкент ҳамда Самарқанд опера ва балет театрлари сахнасини безашда хизмат кўрсатган. Кейинги йилларда эса "Гўрўғли" туркумига хос 40 дан зиёд асар яратиб, кўرғазма ташкил этди. "Гўрўғли"нинг томошабинлар нигоҳига ҳавола этилиши кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Махмуд АХМЕДОВ.

Ватанни севмак иймандандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 22 февраль, шанба № 23 (22.108).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони


**В. Н. СИГЕДИНИ «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Қўп йиллик самарали меҳнати, республикада конметаллургия тармоғини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашганлиги учун Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори Виталий Николаевич Сигедин «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 21 февраль.

## ЛИТВА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САФАРИ ЯҚУНЛАНДИ



21 февраль куни Литва Республикаси Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниятисига етди. Тошкентдаги Дурмон қароргоҳида Президент Алгирдас Бразаускас расмий кузатиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Литва Президенти Алгирдас Бразаускас махсус шоҳсулуға кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакат Давлат мадҳиялари ижро этилди.

Маросимдан кейин Литва раҳбари Тошкент авиация ишлаб чиқариш биносида давлат хиссадорлик жамиятига ташриф буюрди. А. Бразаускас бирлашма фаолияти ва иш жараёни билан танишиб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган замонавий самолётларни катта қизиқиш билан кўздан кечирди.

Сунгра Литва Президенти қадимий Ҳева зиёратиди бўлди. Шаҳардаги бетакрор мейморий ёд-горликлар ва осори атиқалар билан танишди. Литва Президенти журналистларга ушбу кўнра шаҳар зиёрати, умуман, бой маданият ўтмишига эга Ўзбекистон сафаридан унутилмас таассурот олганини айтди. Мамлакатимизга ташрифи, Президент Ислам Каримов билан ўтказган музокара-лари жуда самарали бўлганини таъкидлади.

Шу куни Литва Президенти Алгирдас Бразаускас Урганчдан ўз ватанига қайтди. Литва раҳбарининг Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат хиссадорлик жамияти ва Хоразмга ташрифи ҳақида унга Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, ташқи ишлар вазири Абдуллазиз Комиллов ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА).  
СУРАТДА: Президентлар Ислам Каримов ва Алгирдас Бразаускас-ларнинг учрашуви пайти.  
А. ТУРАЕВ (ЎзА) олаги сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ҲАҚИДА ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Атоқли ўзбек ёзувчиси ва жамоат арбоби Абдулҳамид Сулаймон ҲАҚИДА ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Атоқли ўзбек ёзувчиси ва жамоат арбоби Абдулҳамид Сулаймон ҲАҚИДА ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

3. Андижон вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан биргаликда 1997 йил ноябрь ойида Андижон шаҳрида Абдулҳамид Чўлпоннинг юбилей кечасини тайёрлаш ва ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига Абдулҳамид Чўлпон асарлари асосида театр спектакллари ва адабий ҳақида адабий-бадиий композиция яратиш вазифаси юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Абдулҳамид Чўлпоннинг асарларини, у ҳақидаги хотиралар тўплами, рисола-лар ва плакатларни юбилейга нашр этишни режалаштирсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-лари Абдулҳамид Чўлпон юбилейини кенг нишонлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимлиги таъин-лаш идоралар ва ижодий уюш-малар билан биргаликда маҳал-лий бюджет ва ҳомийлик мабла-ғлари ҳисобидан Андижон шаҳри-да Абдулҳамид Чўлпон боғини яра-тиш, у ерда адабга ёдгорлик ўр-натиш ҳамда адаб яшаган ҳовли-да унинг уй-музейини ташкил этиш топширилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олақа вазирлиги, Марказий банк

ҳузурдаги махсус ишлаб чиқариш корхонаси ва «Шарқ» концерни билан биргаликда Абдулҳамид Сулаймон ҲАҚИДА ЧЎЛПОН сиймоси акс эттирилган почта маркалари, конвертлар ва пикет-калар чiqарсин.

9. «Ўзбекино» давлат-акциядорлик компанияси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июлдаги 247-сон қарорига мувофиқ фильмлар яратиш учун ажратил-диган маблағлар ҳисобидан Аб-дулҳамид Чўлпон ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли фильм яратсин.

10. «Ўзтелевизио» компанияси ва бошқа оммавий ахборот во-ситаларига Абдулҳамид Чўлпоннинг ўзбек халқи маданияти ри-вожига қўшган ҳиссаси аҳамия-тини кенг ёритиш, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида туркум курс-тувлар тайёрлаш ҳамда адаб асарлари асосида теле ва видео-фильмлар яратиш топширилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Абдулҳамид Чўл-пон юбилейини ўтказиш харажат-ларини республика бюджетидан қопласин.

12. Ушбу қарорнинг бажарили-шини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари А. Азизхўжаев зим-масига юклатсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.  
Тошкент шаҳри, 1997 йил 21 февраль.

## Хабарингиз борми?

### ЎЗБЕК НАҚҚОШЛАРИ — АМЕРИКАДА

ВАШИНГТОН. (Телефон орқали). Биз ўзбекистонлик халқ амалий санъати вакиллари бир неча ойдан буён Америка пойтахтида жойлашган элчиликдаги биносиде миллий безаклаш ва таъмирлаш йомушларини адо этилмоқда. Бу бинода бажарилаётган ишларимиздан анча хурсандимиз. Нега деганингизда океан орттидаги АҚШ-дек улуг дийрда бизнинг мустақил мамлакатимиз — Ўзбекистон Республикаси элчилик фаолияти учун қулай имконият яратиб берилган экан, бу бизнинг серкўёш мамлакатимиз халқига қўрсатилган ҳурмат ва эътибор намунаси.

Ҳар куни тонгда иш жойимизга кириб келаётганимизда кўзимиз биринчи бор бино пештоқига ҳилпираб турган давлатимиз байроғига тушади ва у бизларга гурур бериб товланади.

Безаш ва таъмирлаш ишларини Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига қарашли «Қадрият» илмий-ишлаб чиқариш ва таъмирлаш бирлашма-си наққошлари амалга оширмоқда. Элчилик биносини йўлақлари, дахлизлари, тадбирлар хоналарида ганч уймакорлиги, ёғочозлик ва таъмир йомушларини бажаришда уста Равшан Тўхтаев бошчилигида Сиро-жиддин Бойматов, Шокир Тўхтамуҳаев, Михаил Трима-сов, Фатхулло Лутфуллаев, Солиҳ Валиев, Сайфулла Юсуповлар садоқат қўрсатишяпти. Ишимиз яқин ҳафт-ларда ниҳосига етади. Ўзбек миллий санъати наму-налари ўзининг бир қуруниши билан океан оша Амери-ка қитъасига кириб боришида озгина бўлса ҳам қўшил-ган меҳнатимиз билан фахрланамиз.

Меҳнат сафаримиз чоғида оддий америкаликларнинг биз дўппи қийган ўзбекларга қўрсатган илтифотдан мамнун бўлдим. Улар Ўзбекистонимизга чиндан ҳам жуда қизиқишар экан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар ой сайин ривожланиб бораёт-ганлигини гувоҳи бўлишга муяссар этганига Яратганга минг шукрлар айтамин.

Муҳаммаджон ПЎЛАТОВ,  
ганч уймакорлиги устаси.

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

- АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Москвага расмий ташриф билади. У Россия Президенти Борис Ельцин билан Кремлда учрашади.
- Чеченiston Республикаси Президенти Аслан Масхадов Россия Федерацияси билан музокара-лар олиб бору-вчи делегация таркибининг расман тасдиқлади. Уни Бош вазир биринчи ўринбосари Москвада ўзгучи бошқаради.
- Балтиқбўйи мамлакатлари яқин орада ўзаро ҳарбий иттифок тузишлари мумкин. Буни Эстония парламенти раиси ўринбосари таъкидлаб айтди.
- Тожикистон пойтахти Душанбеда БМТ тизимида қарорчи ходимларнинг энг зарур қисмини қолдирилади, холос. БМТ ўз ходимларининг хавфсизлик масалаларини эътиборга олган ҳолада шундай қилишни кўзда тутипти.
- Шимолий Атлан-тика парламенти ассамблеяси делегацияси Украинага ташриф буюрди. Делегация вакиллари АҚШдан Севастополь шаҳрига келдилар.
- Япония Ливан томонидан «Нахон Сексуго» террорчиларининг шахсини аниқлаш бўйича терговни тез-лаштиришни талаб қилмоқда.
- Албания раҳбари Сали Бериша мамлакат фуқароларига турли вағдалар бериб, ўзи ва партиясига бўлган эски ишончини тикламоқчи.
- Россия Конститу-туцион суди раиси этиб 65 ёшли Марат Баглай сайланди. Бундай қарорни Конституцион суд аъзолари ёлғиз ўтказилган йилгида қабул қилишди.
- Россия Марказий банки раиси Сергей Дубинининг айтишича, Марказий банкдаги олтин захираси 1997 йил 1 январга қадар 377 тоннани ташкил этди.

Равот қўшни Тожикистоннинг Конибодом тумани худудидидаги шаҳарча. Шаҳарчадан жанубда осмонга буй чўзган сервико-р Исфара тоғлари бағридан водийга Исфара дарёси шошиб оқади. Исфаранинг зилот сув-ларидан Фарғона водийси текисликларидидаги юзлаб ўзбек-тожик қишлоқлари аҳолиси бирдай баҳраманд. Исфара асрлардан буён ҳар икки юртинг минглаб гектар экинзорлари, дала-лари, боғу бўстонларига оби-ҳаёт элтиб чарчамайди. Бу ҳаётбахш дарёнинг ҳар икки соҳилида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар аҳли бир-бирига қондош-жондош бўлиб кетган. Донишмандлардан бири «Битта дарёдан сув ичган одамлар худди бир она куракнинг эмиб усган ака-ука, опа-сингилларга ўхшайди», — дея жуда топиб айтган экан. Дарҳақиқат, Исфара дарёсидан сув ичган ўзбеклар ва тожиклар минг йилларки, бир она фарзандларидида дўст-иноқ яшашибди. Бироқ шу иноқликни қуролмайдиган, чегара-дош туманлар ўртасидидаги муносабатларни чигаллаш-тиришга уринадиган баъзи қора ниятли кишилар ҳам мавжуд.

Шу йилнинг 15 феввали. Равот шаҳарчасидан бироз юқоридида, Исфара тоғлари орасида жойлашган Ўзбе-кистон Республикаси бошхона хизматига қарашли пост. Бошхона ходимлари одатдаги иш вазифаларини бажари-ш билан машғуллар. Юқоридида айтганимиздек, бу бошхона Фарғона — Конибодом — Хужанд йўлининг Ўзбекистон — Тожикистон чегарасида фаолият қўрса-тади. Бу йўлда туну кун машиналар оқими тинмайди. Чунки Фарғона водийсидан Тожикистонга, Ўзбекистон-нинг жанубий вилоятларига йўл олган машиналар худ-ди шу пост орқали ўтади. Қиш фаслида эса водий ва Тошкент оралиғидидаги Қамчиқ довоғида юриш хавфи бўлиб қолган пайтда водийликлар пойтахтга кўпроқ Равот орқали юришади.

Қишининг аччиқ изгирини юзларни ялайди. Равот пости ходимларидан у киши туну кун навбатчиликни амалга оширяпти. Худди шу лаҳзаларда постдан анча олисда тухтаган машинадан тухтан номаълум кимса-лар қашқирдек писиб аста пост томон урмалашади. Ҳаммаёқ осойишта. Тунги соат 2 дан 10 дақиқа ўтган эди. Бетон девор олдидан кутилмағанда қуролли бир одам тусатдан кутарилди ва кулидаги ўт очар автомат қуролдан пастдағиларга қарата ўқ уза бошлади. Ҳам-маси бир лаҳза ичида содир бўлди. Ҳеч нарсадан беҳабар, осойишта турган ходимлар ўққа учиб йиқил-диши...

Воқеа содир бўлган жойга зудлик билан Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари етиб келишибди. Равот постидида қуролли хужумга йўлиққан ўш нафар ходим турли даражадаги тан жароҳатлари олиш-ган эди. Уларга тез ёрдам қўрсатилиб, шифохонага кузатишди. Бола-чақалари бахтига қотил нишонини тур-ри олмаган, йигитлар соғ қолишган эди. Жиноятчилар эса Тожикистон худудига ўтиб кетиб, яширинишга улгуришди. Содир бўлган воқеанинг ута жиддийлиги, бу Ўзбекистон — Тожикистон чегарасининг шу худуди-да рўй берган иккинчи ивгогарона қуролли хужум

ушбу воқеалар «Бундай хатти-ҳаракатлар вазиятни беқарор қилишга, Тожикистоннинг чегарадош туман-ларида аҳолининг шусиз ҳам қийин турмуш шароитини янада мушкуллаштиришга ва шу йўл билан Ленинобод вилояти ҳамда Ўзбекистоннинг чегара-ош туманлари ўртасидидаги узаро муносабатларни чигаллаштиришга қаратилган ута уйланган тадбир» сифатида баҳолан-ди.

Ҳозирги пайтда чегараларда жойлашган қишлоқ-ларда осойишталик ҳукмрон, фуқаролар хавфсизлиги ту-лиқ таъминланган. Ҳар иккала мамлакатнинг чегара-

# ДЎСТЛИККА РАҲНА СОЛОЛМАЙСИЗ

## ЁКИ ЧЕГАРАДА РЎЙ БЕРГАН БИР ИВГОГАРЛИК ХУСУСИДА

эканлиги ҳисобга олиниб, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳо-фаза қилиш органлари ходимларидан иборат тезкор қидирув гуруҳи тузилди. Узаро келишувга мувофиқ, Тожикистон Республикаси тегишли органлари ходим-лари ҳам қидирув ишларига жалб этилди. Айни пайтда тезкор қидирув ишлари синчковлик билан олиб бори-моқда. Шу йилнинг 23 январь куни Равот постидан бир чақиримча нарида жойлашган Тожикистон Республи-касига қарашли блок-постга ҳам номаълум шахслар томонидан қуролли хужум уюштирилган, натижада Тожикистон Республикаси ҳарбий хизматчилари ва ДАН ходимларидан 5 киши халок бўлган эди. Минг афсуски, худди уша дақиқаларда пост ходимларига хужжат қўрсатиш учун шу ерда тухтаган Ўзбекистон фуқароси, андижонлик юк машинаси ҳайдовчиси, Ўш йигит ҳам шу қуролли ивгогарлик қурбони бўлди...

Хуш, бу машъум қонли воқеалар тубида қандай мақсадлар ётибди? Бу чегарада бесаранжомлик чиқари-ш учун олдидан режалаштирилган ивгогарликми? Ёхуд бунинг бошқа сабаблари борми? Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хабариди

дош шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси бундай ивгогарона ҳаракатлардан кескин норозилигини изҳор қилмоқда. Конибодом тумани Бешарқ тумани билан чегарадош. Бешарқнинг Андархон қишлоқ йиғини худуди Конибодомнинг Патар, Яккаторак, Қизилнур қишлоқларига туташиб кетган.

— Биз андархонликлар қўшни Тожикистон қишлоқла-ри халқи билан қариндош-уруғ, қуда-анда бўлиб кет-ганимиз, — дейди Андархон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Очилюбой Иномов. — Кечаги воқеалардан сунг бундай мулоҳаза қилиб курсак, биргина бизнинг қи-шлоғимиз ахли Конибодом, Равот ва Патардан 50 нафар келин туширган экан, уларнинг ҳаммаси ували-жували. Уз навбатда биз ҳам уша қишлоқларга келин узата-миз. Уз қизим Гулнора ҳам Конибодомга келин бўлиб тушган. Углим Улугбек эса Хужандада қўнган.

— Менин ҳам қизларим, жиянларим Конибодомга келин бўлиб тушганлар, — дея сўхбатга аралашади Ўзбекистонда хизмат қўрсатган пахтакор, Бешарқда-ги «Дустлик» ширкатлар уюшмасининг Андархон шир-кати раиси Нурмат Турдиматов. — Узқдан олган келин-

## Муносабат

ларимиз бор. Биз узаро туташиб, чамбарчас бўлиб кетганмиз. Бу дустлик, аҳилликка ҳеч ким раҳна солон-майди.

Тожикистон Республикаси Конибодом туманидаги Патар қишлоғида одамлар билан қилган сўхбатлари-мизда ҳам тожик биродарлардан худди шундай фикр-ларни эшитдик.

— 32 йилдан бери ёш авлодга таълим бераман, — дейди Яккаторак қишлоғидаги 35-урта мактаб дирек-тори Гуломжон Турсунов, — Бизнинг биродарлигимиз илдиэлари жуда теран. Мана масалан, менин синг-лим, жиянларим Ўзбекистоннинг Андархон қишлоғига келин бўлиб тушишган. У ёқда қариндош-уруғларимиз жуда кўп. Уйлаб қуриш, бир дарёдан сув ичган, бир ҳаводан нафас олаётган дили, тилаги бир халқимиз. Ҳеч қандай ивгогарлик бизни ажратолмайди.

Шу қишлоқлик кекса деҳқон Деҳқонбой Нурматов, оддий шофёр Акбарали Раҳимов ва бошқалар ҳам домланинг фикрларини қўллаб-қувватлашди.

— Бизнинг гапларимизни албатта ёзинг, — деб қолишди улар. — Ивгогарлар бўлса ўтади-кетди. Биз ва бизнинг авлодларимиз яна минг йиллар қушни яшайди, бир дарёдан сув ичади. Тарихимиз, тақдирим-из, томирларимиз бир. Туташ томирларни қирқиб буладими ахир?!

Фарғона вилоятининг Тожикистонга чегара туман-ларида аллақачон баҳор нафаси эса бошлаган. Дала-ларда иш, экин-тикинга ҳаракат бошланг кетди. Одамларнинг кайфияти кутаринки. Яқинда Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси-да юртбошимиз водийликларнинг меҳнат фаолияти, одамларчиликларига берган юксак баҳо бутун фарғо-налиқлар қалбиди акс-садо берди. Президентимиз вилоят меҳнатқашлари олдига қўйган вазифалар улар-ни янги бунёдкорлик ишларига йўллаб юборди. Юрти-миз тинч, осмонимиз мусаффо. Келажакка катта умид билан қоқиб меҳнат қиялпамиз. Шунинг узи катта бахт эмасми? Қўшни Тожикистон аҳли вакиллари билан сўхбатлашганимда уларнинг суэлари, хатто қарашла-ридан бизга бўлган катта ҳавасни ҳис қилдим. Ҳа, осойишталик эл-юрт бахтидир.

Алшпер ИБОДИНОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

**Аксарият давраларда бозор иқтисоди ва у билан боғлиқ муаммолар қизғин баҳс-мунозараларга айлангани одат тусига кирди. «Бўчи билганини тўқини», яъни ҳар қим касб-кори, дунёқараш ва маълумоти чегарасида фикр юрйтиши табиий. Мутахассислар қарши, нуқтаи назари кенг омма қарашларига маълум маънода «аниқлик» киритади, уларнинг тўғри йўналишга ёрдам беради. Иқтисодиётнинг ёши тармоғи бўлиши иқтисодий кибернетика соҳасида кўзга кўринган олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Мадамнибек ЭРМАТОВ билан бўлган суҳбатда шу маънода қўнчиликни қизқитирган мавзуда сўз юртилади.**

— Домла! Бозор иқтисоди биринчи навбатда қилишлар онгиде катта ўзгаришлар ясаётгани ҳеч қимга сир эмас. Шунга қарамай, унинг барча мураккабликларини осонгина тушуниб етавериш ҳам қийин экан. Масалан, собиқ шўро давридаги иқтисодий қийинчиликларга хусусий мулкчиликнинг йўқлиги сабаб қилиб кўрсатилар эди. Ҳозир мамлакатимизда хусусий мулкка кенг йўл очилди. Хусусий корхоналар мавжуд, тадбиркорлик, тижоратчилик бемалол. Лекин иқтисодий муаммолар барҳам топиб кетмаётгани одамларни ўйлантириб қўймоқда.

— Саволнингизнинг узиданок бозор иқтисоди бир кунлик ёки бир йиллик тадбир эмаслиги, балки узлуксиз давом этадиган мураккаб жараён эканлиги аниқлаштирилди. Республикаимиз мустақилликка эришгач, баъзилар мулк хусусийлаштирилса, бас, ҳамма соҳа ўз-ўзидан гуллаб-яшнаб кетади деб ўйлаган эди. Мана, истиқлолнинг олтинчи йилда яшаб туриб ҳам юртбошимиз мулкка муносабат ўзгариши зарурлигининг аҳамиятини жон куйдириб тушунирмоқда. Кўринадикки, мулкни хусусийлаштириш, мулкдорлар синфини шакллантириш учун муайян вақт керак бўлмоқда. Лекин вақт кутиб турмайди. Уйланган даражага етиш фурсати қанчалек чўзилса бунинг жамиятдаги асорати ҳам шунчалек кеч барҳам топади.

— Иқтисодий фаровонликка эришиш йўлидаги муаммолар ҳам оз эмас. Муаммолар катта-кичиги бор. Сизнинг назарингизда, ҳал этилишини кечиктириб бўлмайдиган муаммолар қайси?

— Жамиятни улкан яхлит организм сифатида тасаввур қилсак, унинг айрим жиҳатини айириб олиш жудаёму тўғри бўлмайди. Хусусан, иқтисодий қийинчиликлар

бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Айрим бугунларда ишлар оқсаб қолаётганига турлича сабаблар кўрсатилмоқда. Мисол учун, кимдир, пулимиз барқорор эмас деса, бошқаси — эркин конвертация қилинмаслигини руқаб қилмоқда. Тижоратчилик эса, божхона машаққатларини, тўловлар қўпчилигини руқаб қилмади, гуё ҳамма қийинчилик шундан. Корхона очиб, хусусий тадбиркорликка қўл урганлар ёки бунга эришиб, қандайдир фаолият кўрсатаётганлар амалдорларнинг сансалорлигини, кимларнингдир порахурлигию солиқларнинг қўпчилигини сабаб қилиб кўрсатадилар. Айтганингиздек, ҳамма узича ҳақ. Лекин, бир нарсани унутмаслик керак — чет эллардан истеъмол буюмлари келтириш йўли билан узюққа бориб бўлмайди. Вақтинча амал-тақал қилиб туриш мумкин. Ҳозир мамлакатимизнинг узиде маҳсулот ишлаб чиқариши йўлга қўйиб олиш керак; Иқтисодиётимиздаги қийинчиликларнинг бош сабаби ана шу — маҳсулот ишлаб чиқаришнинг етишмаслигидир. Сотувда маҳсулот йўқми, демек, пул айланиши паст даражада, банкка ўз вақтида пул тушмайди, маош берилмайди ва ҳоказо оқибатларга олиб келади.

Чет элдан маҳсулот келиб турибди, шуни қўлайтириш мумкин эди-ку, дейишингиз мумкин. Мумкин. Лекин бунинг ҳам ўзи бўлмайди! Биринчидан, бор валютани чет элга оқиб кетади, иккинчидан, иқтисодий қарам бўлиб қолиш хавфи бор. Учинчидан, чет элликлар анойиб эмас: узбекистонликлар орқа-унга қарамай олаверлади, деб бизга нималарни тикиштирмайди, дейсиз!

Мана, шу мулоҳазаларга қараганда республикаимизда кейинги пайтда олиб борилаётган иқтисодий сивасатни оқилона, деб биламан.

Узимизда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йўллари жуда кўп. Ҳаммасидан фойдаланиш керак, илимий ҳисоб-китобларга асосланибим, тажрибига асосланибим, қандай бўлмасин, ишлаб чиқариш биноларини қуриб, дастхоналарни урнатиб, асбоб-ускуналарни таъмирлаб, малакали ишчилар тайёрланса, маҳсулот ишлаб чиқарилади, деяверинг!

Ҳозирги пайтда кичик корхоналар қуриш учун катта-катта валюта сарфланиб чет эллардан техника келтириляпти. Бу — яхши иш. Лекин, бу техника эрта бир кун бузиллади, эскиради, ишга бутунлай яроқсиз бўлиб қолади. Унда

мамлакатимизда халқ ҳужалигининг барча соҳаларида йирик-йирик хусусий корхоналар фаолият кўрсатаётгани буларди.

Шурким, бундай ривожланиш даври мана энди бошланди. Хусусий мулкчилик, фермерлик, тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар орасида маҳсулот ишлаб чиқариши йўлга қўйганлар талайгина бор. Бир суз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг устуни бўлган омил-маҳсулот ишлаб чиқариши йўлга қўйиш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади.

— Пул бирлигимиз — сўмини мустаҳкамлаш,

ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш ҳажмлари доимо ўзгариб тургани сабабли, муайян вақтдаги зарурий пул ҳажми ҳам барометр каби ўзгариб туради. Демак, яқин келажакдаги, илоҳи бўлса — узоқ келажакдаги зарурий пул ҳажмини башорат қилиш ҳам керак. Бизнинг кибернетика институтида пул ҳажмини ҳисоблаб чиқиш ва йил сайин, 2005 йилгача башорат қилиш учун математик модел яратилди. Пул ҳажми орқали пулнинг айланиш тезлигини ҳисоблаб берадиган математик модел ҳам тузилди. Мана, шу икки курсаткич сўмини барқорор қилишда катта роль ўйнайди. Албатта, бунда пул айланишига таъсир этадиган таъшилий чора-тадбирларни истисно қилиб бўлмайди.

— Пул эмиссияси, умуман иқтисодий ислохот муаммолари қўп жиҳатдан аҳолининг иш билан таъминланганлигига ҳам боғлиқ. Шундай эмасми? — Шубҳасиз! Маълумки, иқтисодиёт ижтимоий муаммолар билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам қўнчиликка алоҳида суз ёзма-ён тилга олинди, яъни ижтимоий-иқтисодий муаммолар дейилади. Аҳолининг иш билан таъминлангани чиндан ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Урни келганда бир илмий тадқиқот ҳақида қисқача сузлаб бераман. Бу тадқиқот Фарғона водийсидаги аёлларнинг иш билан бандлиги ва уларнинг ижтимоий муаммоларига бағишланган. Уни шогирдини Фарғона Давлат университетининг доценти М. Сухомлинова бажаряпти.

Утказилган тадқиқотлар кўрсатишича, водий аёлларининг турмуши ва меҳнат шароитларида узига хос хусусиятлар мавжуд. Масалан, у ёки бу корхонада ишлайдиган аёллардан 57 фоизи экин-тикин қиладиган томоққа ёки ҳовлиларга эга. Уларнинг 32 фоизи, асосий ишидан ташқари, ҳар кун экинларга қарайди. Шаҳарлардаги саноат корхоналарида ишлайдиган аёлларнинг 70 фоизи қишлоқлардан қатнаб ишлайди. Яъни ҳар кун олис масофаларга қатнайди. Бунинг устига уларнинг учтадан бештагача фарзанди бор. Демак, фарзандларни

янада барқорор қилиш ҳақида нима дейсиз?

— Бозор иқтисодиёти шароитида қўланаётган иқтисодий чора-тадбирлардан қўнчанган мақсадлар қанчалек амалга ошадиган ошмайди, пулнинг кучи ва барқорорлигига қўп жиҳатдан боғлиқ.

Маълумки, давлат бюджетни камомадли бўлиб қолса, уни тўлдирish мақсадида ортиқча қўзғолулар муомалга ташланади. Бунинг «пул» масаласи кўпайди ёки «пул эмиссияси» дейимиз. Бу ҳодиса инфляцияни, яъни пулнинг қадрсизланишини келтириб чиқаради. Бюджетдаги камомаддан бошқа сабаблар ҳам шундай салбий оқибатга олиб келиши мумкин. Масалан, сотишга чиқариладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмининг етарли эмаслиги, нарх-наводаги, солиқ тизимидаги нотўғри сивасат, қўнубузарликлар, пул айланишининг сустлиги, давлатга тўловлар вақтида бажарилмаслиги қабилир.

Пулни барқорор қилиш учун муомаллада буладиган қўзғолулар ҳажмининг аниқ ҳисоблаб топилш керак. Бунда миллий даромаднинг миқдори ва у қандай нисбатда жамғарма ва истеъмол қисмларга бўлиниши катта аҳамиятга эга. Пул ҳажмининг узи барқорорлик учун қамлик қилади. Чунки маҳсулот

**Ўзбекистон иқтисодиёти**

ювиб-тараш, оқватлантириш, уй-жиҳозларни йиғиштириб, саранжомлаш ҳам аёл зиммасида. Ушбу ва бошқа натижаларга асосланиб, мана бундай хулоса қилиш мумкин: Фарғона водийси аёлларининг аксари, эркакларга қараганда ҳам жисмонан, ҳам маъна кўпроқ зуриқиб остида ишлайдилар: ўз ишларидан қўнчиш ҳосил қилмай, баъзон ноилоҳлиқдан ишлаб турибдилар.

Аёллар меҳнати ва турмушини холис ва фойдали таҳлил этиш учун жуда қўп омиллари ва уларнинг узаро боғлиқлигини эътиборга олиш керак. Оддий суз ва мантқиқ ёрдамида бу ишнинг уддасидан чиқиш қийин. Шунинг учун ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, омиллар уртасидаги қўнчиш боғлиқларининг математик ифодаларини топиш керак. Айни вақтда ана шу йўналишдаги изланишларни давом эттирмоқдамиз.

Фарғона вилояти Кенгаши сессиясидаги нуқтада юртбошимиз айни шу масалага алоҳида тўхтади. Вилоятда 2,5 миллион аҳоли истиқомат қилиши, аҳолининг йиллик ўсиш суръати икки фоизга турги келиши, бу ҳол янги иш жойларини ташкил этиш заруратини келтириб чиқараётгани биз иқтисодчи омиллар зиммасига катта масъулиятлар қўлайди.

— Нуқтада иқтисодчилар нуқтаи назари билан қаралганда ҳам энг муҳим муаммолар тилга олинди.

— Дарҳақиқат, юқорида айтганимиздек, бозор иқтисодиётига ўтаётган жамиятимиздаги ҳамма қўриб-қилиб турган ва ҳар қим турлича талқин этаётган қийинчиликлар ва муаммоларга барҳам беришнинг ниҳоятда муҳим уч омили — хусусий мулкдорлар табақасининг кучайиши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ва бу икки омилга бевосита боғлиқ бўлган — аҳолининг иш билан таъминлангани... булар жамиятимиз ва ислохотларимиз истиқболининг бош омили десак, янглишмаймиз.

Суҳбатни иқтисод фанлари номзоди К. ДУСТМУҲАМЕДОВ ёзиб олди.

**Хатлар**

**ИШОНЧ СЎНМАСИН-ДА...**

«Ўзбекистон овози» газетаси Сирдарё туманидаги «Синдоробод» жамоа ҳужалиги раиси Синдорев Сайдазимнинг кирдикорлари тўғрисида икки марта ўткир танқидий чиқиш қилди. Ҳар иккала танқидий мақоладаги фикрлар, далиллар ҳаммаси тўғри. Лекин газета жуда тўғри ургу берганидек, Синдоревнинг «ҳомийлари» шунчалек зўр эканки, ҳали ҳам у жамоага раис бўлиб турипти. Олий Мажлисининг кейинги сессиясида давлатимиз раҳбари матбуот ҳақида, журналистларни қўнун билан ҳимоя қилиш ҳақида тўғри гапларни айтди. Қўнун лойиҳалари муҳокама этилди. Лекин республиканинг шундай обрўли газетасининг чиқишига муносабат шу бўлса, оддий деҳқонлар, оддий одамлар нима деб уйлашади. Ҳозир одамлар «Синдорев шунчалек зўр эканки, республика газеталари уни уч марта фож қилса ҳам, муштунини ҳеч қим пишт демаляпти», — деб юрибдилар.

Газеталарнинг чиқиши шундай қолиб кетмаслиги, ҳақиқат рўёбга чиқиши учун яна ҳам қаттиқроқ курашиш керакка ухшайди.

Маҳкам АСТАНАЕВ, Сирдарё тумани «Синдоробод» жамоа ҳужалигидаги 35-мактаб ўқитувчиси.

**АЛАМ ҚИЛМАЙДИМИ?**

Таллимаржон шахрининг ёнгинасидан бошқа узоқ ҳудудларга газ қувури ўтади. Афсуски, шаҳар аҳолиси шу нъматдан баҳраманд эмас. Икки йил муқаддам хонадонларга газ қувурларни ўтказилди, аммо иш улда-жўлда қолиб кетди. Мутасадди раҳбарлар пинагини бузмай юришибди. Шаҳардаги коттеж уйларнинг печлари қуруқ савлат тўкиб турибди, ҳатто қувурлар марказий иситиш тармоғига улланган. Фуқаролар печни ёқишлари учун кумир ёки утин бўлмаганлиги сабабли совуқ уйда қиш бўйи дайиданга чиқишади.

Овғинг остидаги «зангори олов»дан минглаб қақирим олисдагилар фойдаланса, узинг таппи-тезак ёқиб утирсанг алам қилмайди? Жўра ГОЙИБОВ, Таллимаржон шахри.

**ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ**

«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 23 январь сониде эълон қилинган «Бозорчи болалар» деб номланган мақола билан мактабимиз жамоаси ҳам батафсил танишиб қолди. Айтиб ўтиш лозимки, бу мавзу тўғрисида ўз вақтида суз юритилган. Чунки бозор-учарга айлиниши қолган болаларни нафақат Андижонда, бошқа шаҳар ва туманларда ҳам учратиш мумкин. Бозорларда турли сигаретлару сақичларни пуллаб утирган болаларни қўриб уйга толасан киши. Ахир булар айни билим оладиган пайтда савдога аралашиб қолишса, мумай пул топиш ҳаракатида бўлишса, улардан келажакда нимани кутиш мумкин? Наҳотки, буни ота-оналар унутиб қўйишган бўлишса?

Мен яқинда зарурат юзасидан ҳужалигимиз ҳудудида жойлашган деҳқон бозорига булганимда, савдо-сотиқ билан шуғулланаётганларнинг аксарияти мактаб ўқувчилари эканлигини қўриб ҳайрон бўлдим. Ахир қани бу ерда ота-онанинг, мактаб маъмуриятининг, ҳуқуқ-тартибот ҳодимларининг урни? Газетада тўғри таъкидланганидек, фарзандларимиз — келажакимиз давомчилари тақдирига нега бефарқ қараймиз?

Менимча, савдо-сотиққа муқкасидан кетган, куча-қўйда, ҳатто мактабларда ҳам турли майда-чўйда сотиш билан овора бўлаётган болаларимиз ҳақида жиддийроқ уйлаб курадиган вақт етиб келди.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ, Чироқчи туманидаги Иброҳим Қўлчиёв номи мактабининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

**«АНДИШАНИНГ ОТИ ҚЎРҚОҚЛИКМАС»**

«Ўзбекистон овози» руномасининг 1997 йил 1 февраль сониде чоп этилган «Андишанингни оти қўрқоқликмас» сарлавҳали мақола юзасидан текширув утказилиши натижаида курастилан фактлар асосан тасдиқланди. 17-сон қар-соқов болалар мактаб-интернатига қўшимча маблағ ажратилиб 4,5 февраль қўнлари ойлик маошлар ушбу муассаса ходимларига 1 февралга қадар бўлган давр учун тула туланди.

Мақолада келтирилган «иш ҳақини талаб қилиб борганда ўзбошимчилик учун директор Э. Қодирова пул урнига ҳайфсан бердилар», деган факт текшириш натижаида қўйилганча эканлиги аниқланди. Апрель ойида маошини тулаш ҳақидаги хат юзасидан молиявий масалаларни текшириш натижаидаги жамоа уртасида муҳокама қилиш жарағинида вилоят халқ таълимий бошқармаси ва Молия вазирлигининг тегишли курсатмаларини жамоага етказмагани, ишдаги масъулиятсизлиги, берилган маблағларни ўз урнида ишлатиши таъминланмагани учун унга ҳайфсан берилган.

Мақола юзасидан утказилган текширув хулосаларига кура, айбдорларга маъмурий ва моддий жазо чоралари қўрилди. Ушбу масала вилоят молия бошқармаси доимий назоратида олинди.

Андижон вилояти молия бошқармаси бошлигининг ўринбосари М. ХУРБОЕВ.

**Учрашув**  
**МАЪНАВИЙ**  
**ЮКСАКЛИК САРИ**

Халқимизнинг нечоғлиқ бой тарихий-миллий қадриятларга эга эканлиги, миллий давлатчилигимизни бутун жаҳон тан олмақда. Шундай бир масъулиятли даврда миллий давлатчилигимиз тараққиётига муносиб хизмат қилувчи қомил ёшларни етиштириш — замон талабидир. Юртбошимиз И. А. Каримовнинг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси айнан шу мақсадга хизмат қилади. Келажакда давлатни бошқариш ҳудди шу мактабни ўтаган ёшлар қўлида эканлигини унутмаслигимиз лозим.


1997 йил 18 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий судида Олий суд раиси У. Мингбоев билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиларининг учрашуви бўлиб ўтди.

— Зеро, давлат ҳокимиятини бошқариш, — деди Олий суд раиси, — ута билимдонлигини, ҳушёрлигини талаб этади. Мамлакатимизда ҳокимиятини — қўнун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг узвёқ адолатли жамият сари бораватлигимиздан далолат беради. Биз қўнун устуворлигига эришмоғимиз лозим, ўшанда инсон ҳуқуқлари тула маънода ҳимоя этилади. Нима учун Президентимиз мустақилликнинг қадрига етишимиз лозимлигини қайта-қайта таъкидлайдилар, бу бежиз эмас. Чунки утган даврларда халқимиз бошига жуда қўп қўлфатлар ёғдирилганини эинҳор унутиб бўлмайди. Биз мустақилликни қадрламоғимиз учун энг аввало сидқидилдан меҳнат қилмоғимиз ва ҳар биримизга юклатилган вазифани ўз вақтида ҳалол, виждонан адо этмоғимиз лозим. Агар инсон маънавий жиҳатдан етук бўлса, у маънавий юксаклик сари интилса, унда юлғичлик, порахурлик, таъмағирлик иллатлари бўлмайди. У ноқўнуний мулкдан ўзини тияди.

У. Мингбоев академия тингловчиларини Олий суд фаолияти билан таништириб, суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида сузлади. Шундан сўнг суд ҳокимиятининг қўнун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сивёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши муваффақиятларнинг боз омили эканлигини қайд этди.

Учрашув сўнгида академия тингловчилари Олий суд музейи билан танишиб, бой таассурот олдилар.

А. ЖУМАЕВ.



Қўқламги юмушга ҳозирлик.

Ш. ОЛИМОВ (Ў.А) олган сурат.

**ЯШИРИН ЦЕХНИНГ ЯШИРИН АРАҒИ**

Кейинги вақтларда матбуот саҳифаларида акциз маркаси бўлмаган спиртли ичимликларнинг тортиб олинганлиги ҳақидаги хабарлар қўнубузарлик бўлиб қолди. Уз чўнрагини мумайпул билан тўлдириб пайга қ тушган кимсалар содда одамларни алдаб, уларга қалбаки арақ ва коньякларни пулламоқдалар. Солиқ идоралари бу ҳолатни назарда тутиб, алкоголь маҳсулотларини сотиш қўндалирига нечоғлиқ амал қилинаётганини текширувдан ўтказайтирлар.

**ҚОНУНБУЗАРЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ**

Шу йил 20 январь кунини Сурхондарё вилоятининг 6-сон «Гулбахор» божхона пости ходимлари тиркамали «КамАЗ-5320» автомашинасини (давлат рақами 54-05 СДМ) тухтатишди. Хайдовчи М. Абдуллаев айланма йўллар билан автомашинада қўнни Тожикистонга ўтмоқчи бўлган. Текшириб қўрилганда транспорт Сурхондарё вилоятининг Шурич туманидаги «Туркистон» кичик корхонасига тегишли эканлиги ва унинг тиркамаси ичида 1950 кг. ун борлиги аниқланди.

**Ножўя иш — келтирар ташвиш**

Эртаси кунини шу вилоятдаги 18-сон божхона ходимлари тиркамали «КамАЗ-5320» автомашинасини (давлат рақами 00-62 СДМ) ушладилар. Э. Болтаев бошқарган, Бу машина ҳам айланма йўллар орқали Тожикистонга бораватган экан. Машина Термиз шаҳридаги ХАТТ-13 га тегишли бўлиб, унда 2000 кг. унни олиб ўтишга уринганлар.

**Ножўя иш — келтирар ташвиш**

Юк эгаси, Тожикистон фуқароси Н. Чориев Тошкент «Отчопар»идан 54000 сумлик унни сотиб олганлиги ва уни ўз фойдасига пулламоқчи бўлгани аниқланди.

Фарҳод РАСУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг матбуот хизмати ходими.

Туркистон жасурлари

НУРЛИ ТУПРОҚ ТИМСОЛИ

1918 йил 19-22 февраль кунлари Туркистон тарихининг XX асрдаги энг қайғули саҳифалари...

изсиз кетмади. Ёниб кулга айланган гулдан ичидан Қажус куши қайта чиққанидек, Туркистон мухторияти...

барлигида Қўқон уездига Бачқир қишлоғига (Қўқондан 18 чақирим Шимолий-Шарқ томонида)...

икки томондан ҳам қўллаб қўрбонларни талаб қилган. СССР тирмолидаги Россия Туркистон...

айтишича, «бизнинг ҳарбий органлар юритган расмий статистика шуни курсатадики, фуқаролар урушида биз 200.000 кишини улдиридик»...

Ушбу маълумотлар фақат Фаргона водийси (уша пайтадаги Фаргона вилояти) аҳолисигагина тааллуқлидир. Булар жангларда улдирилган...

Сийсий шарҳловчи НИГОҲИ

ДАВЛАТ КОТИБИ ЎРИНБОСАРИ САЙЛАНДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон Иқтисодиёт, бизнес ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича давлат котиби ўринбосари лавозимига Стюарт Айзенстатни тайинлашини эълон қилди.

Клинтон маъмурият ходими бўлишдан аввал элчи Айзенстат «Пауэлл, Голстейн, Фрейзер ва Мэрфи» юридик фирмасининг вице-президенти бўлган.

ДЭН СЯОПИН ВАФОТ ЭТДИ

Хитой Коммунистик партиясининг энг кекса арбоби, Хитой иқтисодиёти ва жамиятини ислоҳ қилишини ташаббускори Дэн Сяопин ўтган чоршабба кунин 93 ёшида вафот этди.

Мамлакатда олти кунлик мотам эълон қилинган. ХХРда жорий этилган қондаларга асосан чет эл ҳукумат ёки партия делегациялари, шунингдек хорижий мамлакатларнинг арбоблари мотам маросимига таклиф этилмайдилар.

Маълумки, Дэн Сяопин бир неча йиллар мобайнида Хитойга раҳбарлик қилиб келган эди. У ўз даврида бир миллиондан зиёд аҳоли яшайдиган мамлакатда иқтисодий ислохотларнинг дастурий йўналишларини белгилаб, уни амалга оширишни бошлаб берган эди.

ҲУКУМАТ ИШИ ҚОНИҚАРСИЗ ДЕБ БАҲОЛАНДИ

Россия Давлат думаси ўзининг навбатдаги йиғилишида ҳукуматнинг бюджет соҳаси ходимларини ўз вақтида ойлик билан таъминлаш бўйича фаолиятини кўриб чиқиб, қониқарсиз деб баҳолади.

ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИДА МАТБУОТ БРИФИНГИ

АҚШ давлат департаментида матбуот котиби ўринбосари вазифасини бажарувчи Глин Дэвис брифинг ўтказди. У Тожикистондаги воқеаларга тўхталиб, бу ерда гаровга ушлаб турилганларнинг сўнгитиси ҳам овоз этилганлигини қўша Штатлар ҳукумати мамнулик билан қутиб олганлигини таъкидлади.

ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИДА МАТБУОТ БРИФИНГИ

АҚШ давлат департаментида матбуот котиби ўринбосари вазифасини бажарувчи Глин Дэвис брифинг ўтказди. У Тожикистондаги воқеаларга тўхталиб, бу ерда гаровга ушлаб турилганларнинг сўнгитиси ҳам овоз этилганлигини қўша Штатлар ҳукумати мамнулик билан қутиб олганлигини таъкидлади.

КИНО «ЮЛДУЗЛАРИ» КУБАГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Куба раҳбари Фидель Кастро Голливуддаги энг ёрқин «юлдузлари»ни бир неча кун Кубада синара чекиб, дам олишга таклиф этди, деб ёздади «Таймс» газетаси.



Ёмғирда ҳам, қорда ҳам йул посбонлари ҳушёр.

Кундуз эмас, тунда ҳам ўз хизматига белвор.

Владимир ПАНОВ олган сурат.

ХУШБАҲАР КЎРСАТУВАМ

Table with TV program listings for Dushanba, Chirshanba, and Seshanba, including channel names and program titles.

